

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР  
ИНСТИТУТИ**

**СУЛТОНОВ ХУМОЮН МАҲМУДЖОН ЎҒЛИ**

**ОЛХЎРИ НАВЛАРИГА ШАКЛ БЕРИШ УСУЛЛАРИНИНГ МЕВА  
СИФАТИГА ВА ҲОСИЛИГА ТАЪСИРИ (АНДИЖОН ВИЛОЯТИ  
МИСОЛИДА)**

**06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик**

**қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2024**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract doctor of philosophy (PhD)  
in Agricultural sciences**

<b>Султонов Хумоюн Махмуджон ўғли</b> Олхўри навларига шакл бериш усулларининг мева сифатига ва ҳосилига таъсири (Андижон вилояти мисолида).....	3
<b>Султонов Хумоюн Махмуджон ўғли</b> Влияние способов формировки сортов сливы на качество и урожайность плодов (на примере Андижанской области).....	21
<b>Sultanov Khumayun Mahmudjan ugli</b> The influence of tree shaping methods for plum cultivars on fruit quality and the yield (in the example of andijan region).....	39
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 РАҚАМЛИ ИЛМий  
КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР  
ИНСТИТУТИ**

**СУЛТОНОВ ХУМОЮН МАҲМУДЖОН ЎҒЛИ**

**ОЛХЎРИ НАВЛАРИГА ШАКЛ БЕРИШ УСУЛЛАРИНИНГ МЕВА  
СИФАТИГА ВА ҲОСИЛИГА ТАЪСИРИ (АНДИЖОН ВИЛОЯТИ  
МИСОЛИДА)**

**06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик**

**қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2024**

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси  
Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида В2022.А.PhD/Qx1021 рақами билан  
рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-  
саҳифасида ([www.iaau.uz](http://www.iaau.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyouonet.uz](http://www.ziyouonet.uz))  
жойлаштирилган

Илмий раҳбар:	<b>Исламов Соҳиб Яхшибекович</b> қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.
Расмий оппонентлар:	<b>Файzieв Жамолiddин Носирович</b> қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор. <b>Шоумаров Хикмат Бахромович</b> қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, профессор
Етакчи ташкилот:	<b>Термиз давлат муҳандислик ва агротехнологиялар университети</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги  
DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил 25 ноябрь, соат 10:00 даги  
мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-  
48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: [taag-info@edu.uz](mailto:taag-info@edu.uz); Тошкент давлат аграр университети  
Маъмурий биноси, 1-кават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида  
таанишиш мумкин (551941-рақами билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100140, Тошкент,  
Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети, Ахборот-ресурс маркази биноси.  
Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2024 йил 11 ноябрь куни тарқатилади.  
(2024 йил 26 октябрдаги 37- рақамли реестр баённомаси).



**Ш.И. Асгатов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, к.х.ф.д. профессор

**М.З. Халмуротов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, к.х.ф.ф.д.  
доцент

**С.А. Юнусов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, к.х.ф.д. профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда олхўри меваларини етиштириш ҳажми 13 млн. тонна бўлиб, 90 га яқин мамлакатларда етиштирилиши билан данак мевалилар ичида энг йирик ишлаб чиқарилаётган экинлардан бири ҳисобланади. Олхўри етиштириш бўйича жаҳонда “Хитой Халқ Республикаси 7 млн. тонна, Руминия давлати 807 минг тонна, Чили давлати 427 минг тонна ва Ўзбекистон Республикаси 143 минг тонна олхўри етиштирилиши билан дунё бўйича 13 ўринни эгаллайди”<sup>1</sup>. Жаҳон миқёсида олхўри етиштириш ҳажми бошқа мевали экинларга нисбатан юқори кўрсаткичга эга. Бу борада олхўри етиштириш Ўзбекистоннинг барча худудларига яхши мослаша оладиган мевали дарахтлардан бири ҳисобланади.

Дунёда олхўри етиштиришда етакчилик қилаётган Хитой, Руминия, Сербия, АҚШ, Туркия, Чили, Эрон, Ҳиндистон, Испания, Италия ва Франция каби давлатларда олхўрининг озиқавийлиги ва шифобахшлиги юқори, янгилигида истеъмол қилинадиган серсув, ширин, қайта ишлаш имкониятлари кенг ҳамда қурғоқчиликка чидамли янги навларини яратиш истиқболли навларини интродукция қилиш, етиштириш технологиялари, кесиш ва шакл бериш усулларини янада такомиллаштириш йўналишларида кенг қамровли илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда олхўрининг бир қанча навлари интродукция қилинган ва кенг кўламда фойдаланилаётган бўлиб, янги навлар яратиш, уларнинг мевали боғларини барпо қилиш, кўчатларини етиштириш бўйича муайян тадқиқотлар олиб борилган. Бироқ интенсив олхўри боғларида асосий агротехник тадбирлар, кесиш ва шакл бериш, ҳосилни экспортбоп ҳолатга келтириш, ташқи муҳит омилларига чидамлилигини ошириш бўйича етарли даражада тадқиқотлар олиб борилмаган. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган «Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси»да “Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баробарга ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш белгилаб қўйилган бўлиб, бунда экспортбоп маҳсулотлар етиштириш ҳамда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, интенсив боғлар майдонини 3 баравар ва иссиқхоналарни 2 баравар кўпайтириб, экспорт салоҳиятини яна 1 миллиард АҚШ долларига ошириш”<sup>2</sup>. вазифалари белгилаб берилган. Бу ўринда, республика шароитларида олхўри навларидан ташкил топган интенсив боғларда турли усулларда шакл бериш ва бу орқали сифатли ва юқори ҳосил олиш бўйича тадқиқотлар олиб бориш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт

<sup>1</sup> <https://www.atlasbig.com/ru/strany-po-proizvodstvu-slivy>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги Фармони.

стратегияси тўғрисида»ги, 2021 йил 15 декабрь ПҚ-52-сон «Мева-сабзавотчилик соҳасини давлат томонидан кўллаб-қувватлаш, тармоқда кластер ва кооперация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2021 йил 23 ноябрдаги ПҚ-20-сон «Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида деҳқон хўжаликларининг улушини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор ва фармонлари ижросини таъминлаш ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги вазифаларни илмий жиҳатдан асослашда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот ишлари республика фан ва технологиялар ривожланишининг V “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги кундаги глобал иқлим ўзгариши шароитларда интенсив мева боғларини қурғоқчиликка чидамлилигини ошириш, кесиш ва шакл бериш орқали ҳосилдорликни ошириш, янги нав ва шакллар асосида мевали боғлар барпо этиш кўламини оширишга қаратилган илмий-тадқиқотларни амалга оширишни тақазо этмоқда. Хитой, Америка, Чили, Кавказ, Туркия, Россия давлатларида ушбу йўналишда Р.Ш.Заремук, В.Н.Балабанов, В.С.Гиричев, Е.П.Безух, Д.Н.Сушков, Л.В.Григорьева, А.И.Завражнов, В.И.Кашин, А.В.Проворченко, И.А.Прокопец, И.Н.Доника каби олимлар шуғулланганлар ва улар томонидан яратилган олхўри навларининг биоэкологик хусусиятларидан кенг кўламда фойдаланилмоқда.

Ўрта Осиё давлатларида олхўрининг интродукцияси, уни ўстириш ва қайта ишлаш бўйича Т.А.Копнина, В.С.Гиричев, О.В.Аркилис, М.М.Мирзаев, Х.Ч.Бўриев, Д.К.Холмирзаев, М.К.Собиров, Р.Ш.Заремук, Н.В.Зеленянская, Ю.В.Трунов, А.С.Сиднин, Е.Н.Иваненко каби олимлар томонидан бир қанча илмий-тадқиқотлар олиб борилган ва олхўри навларини турли ҳудудларда ўсиб-ривожланиши, етиштиришнинг олхўри ҳосил сифат кўрсаткичларига таъсири бўйича илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Ўзбекистон ҳудудида олхўри навларини иқлимлаштириш ва кўчатларини кўпайтириш ҳамда етиштириш технологияларини ишлаб чиқариш бўйича бир қатор олимлар томонидан кенг қамровли илмий тадқиқот ишлар амалга оширилган. Жумладан, М.М.Мирзаев, М.К.Собиров кабилардир. Юқоридаги олимлар томонидан олхўрининг истиқболли навларини етиштириш агротехнологиялари, кўчатларини кўпайтириш усуллари, пайвандлаш бўйича кўплаб илмий-тадқиқотлар бажарилган бўлиб, интенсив усулда етиштирилаётган олхўри боғларида интенсив усулда шакл бериш, олхўри навларига шакл бериш усуллари танлаш, ҳосилдорликни ошириш ва меваларнинг товарбоплигини ошириш, шох-шаббаларнинг ривожланишида шакл беришнинг таъсири бўйича илмий-тадқиқот ишлари кам амалга оширилган. Шу билан биргаликда, республикада етиштирилаётган олхўри

боғларда узоқ йиллардан буён анъанавий усулларда шакл берилган ҳолда маҳсулотлар етиштирилган бўлиб, шакл беришнинг хорижий тажрибалари асосида янги усуллари қўллаш бўйича алоҳида эътибор қаратилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг интенсив сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик ва иссиқхона хўжаликлари кафедрасидаги №4.1-рақамли “Андижон вилояти тупроқ иқлим шароитига мос истиқболли, экспортбоп данакмевали экинлар навларини танлаш ва янги етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш” (2022-2023) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** олхўри навларига шакл бериш усуллариининг мева сифати ҳамда ҳосилига таъсирини ўрганиш ва ишлаб чиқаришга татбиқ этиш.

**Тадқиқотнинг вазифалари** куйидагилардан иборат:

турли усулда шакл берилган олхўри навларининг фенологик фазаларининг ўтиш муддатларини аниқлаш;

турли усулда шакл берилган олхўри навларининг дарахтлардаги биометрик кўрсаткичларини аниқлаш;

турли усулларда шакл берилган олхўри навларининг абиотик омилларига (иссиққа ва совуққа) чидамлилигини баҳолаш;

шакл бериш усуллариининг олхўри меваларининг товарбоплик сифатига таъсирини аниқлаш;

шакл бериш усуллариининг олхўри навлари ҳосилдорлигига ва биокимёвий таркибига таъсирини аниқлаш;

турли усулларда шакл берилган олхўри навларининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида олхўрининг Бертон, Лето, Чернослив Самаркандский навлари, шакл беришнинг Косасимон, Австралия бутаси, Сийрак ярусли, Ким Грин бутаси усуллари хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб олхўри навларининг фенологик фазаларнинг ўтиши, навларнинг иссиққа ва совуққа чидамлилиги, мевасининг кимёвий таркиби, ҳосилдорлиги ва меванинг сифат кўрсаткичлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотни амалга оширишда биокимёвий ва физиологик лаборатория таҳлиллари, шунингдек, олхўри навларининг ўсиш ривожланиши хусусиятлари «Программа и методика сортоизучения плодовых, ягодных и орехоплодных культур» (1999) услубида кўрсатилган тавсиялар бўйича, биокимёвий таркибини аниқлаш А.И.Ермаков (1979) услубида, иссиққа чидамлилигини аниқлашда Ф.Ф.Мацков (1976) услубида, куртақларни совуққа чидамлилигини аниқлашда М.А.Соловьев (1988) услубида, олхўри новдаларини ўсиш динамикаси В.Л.Витковский (1979) услубида фойдаланиб ўрганилган, барг сатҳини чизиқли параметрлари бўйича ҳисоблаш Н.К.Поляков (1931) услубида. Тадқиқотлардан олинган

маълумотларга математик ва статистик ишлов бериш Microsoft Excel дастури ёрдамида Б.А.Доспехов (1985) тавсия этган услуби бўйича амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор олхўри навларида фенологик фазаларини ўтиш муддатлари Ким Грин бутаси усулида шакл берилганда вегетация кеч бошланиши ҳамда меваларнинг пишиш муддати эрта бошланиши исботланган;

олхўрига Австралия бутаси ҳамда Ким Грин бутаси усулида шакл берилганда, Бертон навида дарахт шох-шабба диаметри ўлчами 1,96-2,15 м. ни ташкил қилиб, ихчам интенсив шаклга эга бўлиши аниқланган;

Ким Грин бутаси усулида шакл берилган олхўри навлари гул куртакларининг қишга чидамлилиги 95-96% гача сақланиб қолиши ҳамда +45<sup>0</sup>С гача юқори ҳароратларда баргларининг 4,5-4,7% гача қисми иссиқдан зарарланиши аниқланган;

Ким Грин бутаси усулида шакл берилган олхўри навларидан 93-96% гача биринчи навли йирик ва сифатли мева олиш исботланган;

Ким Грин бутаси усулида шакл берилган олхўри навларидан 240,7-246,6 ц/га гача юқори ҳосил олинishi ҳамда қандлилиги 19,8% гача ташкил этиши аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

олхўри навларига турли усулда шакл берилганда назоратга нисбатан 25-30% юқори ҳосил олиш имкониятини берган;

олхўри навлари ҳосилдорлиги ва сифатини оширувчи энг яхши усул Ким Грин бутаси эканлиги аниқланган;

олхўри навларидан гектарига 15-20% юқори ҳосил олинган;

олхўри навларига турли усулларда шакл берилганда абиотик омилларга чидамлилиги 2,1% га ошган;

олхўри навларига турли усулда шакл берилганда меваларнинг йириклиги, биринчи навлиги назоратга нисбатан 10-15% юқорилиги аниқланган;

турли усулларда шакл берилганда меваси таркибидаги қандлиги 0,5% га ошган;

шакл бериш усуллари орасидан Ким Грин бутаси усулида шакл берилганда, олхўрининг Бертон навида 186,6%, Лето навида 207,2% ҳамда Чернослив Самаркандский навида 193,9% гача юқори рентабелликка эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** дала ва лаборатория тажрибаларининг ҳар йили апробация текширувидан ўтказилганлиги; илмий тадқиқот ҳисоботларининг муҳокама этилганлиги; тажриба маълумотларининг статистик таҳлил қилинганлиги ва олинган натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги; тадқиқот натижалари республика ва чет элда ўтказилган илмий-амалий конференцияларда ва илмий журналларда мақолалар чоп этилганлиги билан изоҳланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олхўри навларини мева сифати ва

ҳосилдорликни оширишга имкон берувчи шакл бериш усулларни морфобиологик ва хўжалик нуқтаи назардан баҳо берилганлиги, улар орасидан юқори ҳосилдорлиги билан ажралиб турувчи шакл бериш усулларини аниқланганлиги, олхўри навларининг мева сифати ҳамда стандартбоплиги қайд этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олхўри навларига турли усулларда шакл берилган ҳолда, юқори ҳосилдор ҳамда сифат кўрсаткичлари юқори бўлган навларининг боғдорчиликда ихтисослашган фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа ер эгалари учун тавсия этилган, олхўри етиштириш агротехникаси бўйича тавсиянома ишлаб чиқилган, олхўри етиштирувчи боғдорчилик ихтисослашган фермер хўжаликлари учун олхўри дарахтларига турли усулларда шакл бериш, усулларни қўллашнинг энг мақбул шаклини ишлаб чиқилганлиги ва амалиётга жорий этилганлиги билан ифодаланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Олхўри навлари мевасининг сифатини ва ҳосилдорлигини оширишга эришишда турли шакл бериш усулларда олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

боғдорчиликка ихтисослашган фермер ва деҳқон хўжаликлари, шахсий боғдорчиликка ихтисослашган ер эгалари учун «Олхўри етиштириш агротехникаси» номли тавсиянома тасдиқланган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2024 йил 12 августдаги 05/06-04-386-сонли маълумотномаси). Ушбу тавсиянома боғдорчиликка ихтисослашган фермер ва деҳқон хўжаликлари, боғдорчиликка ихтисослашган ер эгалари фойдаланувчилари учун олхўри навларига турли усулларда шакл беришда услубий қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

турли усулларда шакл берилган олхўри навларини етиштириш ишланмаси Андижон вилояти, Хўжаобод туманидаги “Шоирабону ёди” фермер хўжалигида 9,0 гектар, ва Асака туманидаги “Севимли сабзавотлар” фермер хўжалигида 12,5 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2024 йил 12 августдаги 05/06-04-386-сонли маълумотномаси). Натижада Ким Грин бутаси усулида шакл берилганда Косасимон шакл усулига нисбатан 25-30% юқори ҳосил олинган, товар кўрсаткичлари бўйича эса 30-35% гача ортишига эришилган.

олхўри навларига шакл берилганда Жалақудук туманидаги “Шоликор файз ерлари” фермер хўжалигида 10 гектар, ва Пахтаобод туманидаги “Сохил” фермер хўжалигида 9,0 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2024 йил 12 августдаги 05/06-04-386-сонли маълумотномаси). Натижада олхўрининг Бертон, Лето, Чернослив Самаркандский навларига турли усулларда яъни, Австралия бутаси, Ким Грин бутаси каби усулларда шакл берилганда Косасимон шакл усулига нисбатан Ким Грин бутаси ва Австралия бутаси шакл бериш усулларида 25-30% юқори ҳосил олинган. Товар кўрсаткичлари бўйича эса 30-35% гача ортишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та, шу жумладан, 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган ҳамда 1 та тавсиянома чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши** Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида олиб борилган илмий-тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объекти ва предметлари тавсифланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига, илмий тадқиқотлар режаларига мослиги кўрсатилган, мавзунинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мақсади ва вазифалари келтирилган, тадқиқот объекти ва предмети берилган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончилиги, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, уларни жорий этиш тўғрисида маълумотлар, апробация ва иш натижаларининг чоп этилганлиги, диссертациянинг ҳажми ва таркиби баён этилган.

Диссертациянинг «**Олхўри навларининг мева сифати ва ҳосилига шакл бериш усулларининг таъсирини (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида Олхўрининг келиб чиқиш тарихи ва унинг тарқалиши. Олхўри навларининг биологик хусусиятлари. Олхўри навларига шакл бериш усулларининг ўзига хос хусусиятлари. тадқиқотлар маълумотлари баён этилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотни ўтказиш шароити, объекти ва услуги**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот олиб борилган тадқиқот ўтказиш жойининг тупроқ-иқлим шароитлари, тадқиқот дастури ва услугилари, олхўри етиштириш агротехникаси ва шакл бериш усулларининг таснифи батафсил ёритилган. «Тадқиқотни ўтказиш шароити, объекти ва услуги» бўлимида Олхўри навларида турли шакл бериш усуллари билан тажрибалар олиб боришда қўлланилган фенологик кузатувлар ва биометрик ҳисоблар, лаборатория ва дала тажрибаларини ўтказиш бўйича услугилар баён этилган.

Диссертациянинг «**Олхўри ўсимлигига шакл бериш усулларининг уни ўсиш ва ривожланишига таъсири**» деб номланган учинчи бобидан бошлаб тажриба натижалари келтирилган. Ушбу бобида 2021–2023 йилар давомида Турли усулда шакл берилган олхўри навларини ўсиш ва ривожланиш фазаларини ўтиш муддатларининг тавсифи келтирилган.

Олхўри навларини вегетация даврларини ўтишини ўрганиш муҳим

жараён ҳисобланиб, бунда навлар орасидаги фенологик фазаларни ўтиши турлича бўлади. Бу эса навларни турли тупроқ иқлим шароитларига мос навларни танлаш учун яхши хизмат қилади.

Шунингдек, вегетация даври муддатларини ўзгариши олхўри навларига шакл беришнинг турли усуллари қўлланилганда ҳам кузатилиши мумкин. Буни аниқлаш мақсадида тажриба олиб борилган дала майдонида турли усулда шакл берилган олхўри навларининг вегетация даврини ўтиши бўйича кузатувлар олиб борилди.

Тажрибаларда 2021-2023 йиллар давомида турли усулларда шакл берилган олхўри навларида вегетациянинг ўтишининг ўртача уч йиллиги дастлаб Бертон навида таҳлил қилинди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, Бертон навида шакл берилмаган назорат вариантыда вегетация бошланиши 13-март куни кузатилган бўлса, куртакларини ёзилиши 22-март куни, гуллашни бошланиши 30-март куни, гуллашни тугаши эса 11-апрель куни кузатилди. Ушбу навда меваларни пишиш бошланиши 12-август куни кузатилган бўлса, пишиш даври тугаши 9-сентябрь кунида тўғри келди. Баргларнинг рангини ўзгариши эса 23-сентябрда бошланган бўлса, Хазонрезгилик баргларни тўкилиши муддатлари 19-октябрь куни бошланган бўлса, тўкилишни тугаши эса 24-ноябрда кузатилди, ва вегетация давомийлиги 256 кунни ташкил этди.

Австралия бутаси шакл бериш усулда ушбу навга берилганда, вегетациянинг бошланиши 15-март куни бошланиб, назоратга нисбатан 2 кун кеч бошланди, куртакларини ёзилиши эса 24-март куни бошланиб назоратга нисбатан 2 кун кеч бошланганлиги аниқланди. Гуллаш даври 31-март куни бошланиб, назоратга нисбатан 1 кун кеч, гуллашни тугаши эса 9-апрелда кузатилиб назоратга нисбатан 2 кун эрта бошлангани аниқланди. Шунингдек, бу вариантда меваларни пишиши 10-август куни бошланиб, назоратга нисбатан 2 кун эрта, пишишнинг тугаши 8-сентябрь куни бошланиб назоратга нисбатан 1 кун эрта бошлангани аниқланди. Баргларин тўкилиши 29-ноябрь куни бошланиб, назоратга нисбатан 5 кун кеч тугаши аниқланди. Вегетация давомийлиги 260 кунни ташкил этди.

Бертон навида Ким Грин бутаси усулда шакл берилганда вегетациянинг бошланиши 16-март куни, назоратга нисбатан 3 кун кеч бошланганлиги, куртакларини ёзилиши эса 25-март куни, бошланиб назоратга нисбатан 3 кун кеч бошланганлиги аниқланди. Гуллаш даври 29-март куни бошланиб, назоратга нисбатан 1 кун эрта бошланди, ва гуллашни тугаши эса 10-апрелда бошланиб назоратга нисбатан 1 кун эрта бошлагани аниқланди. Шунингдек, бу вариантда меваларни пишиши 9-август куни бошланиб назоратга нисбатан 3 кун эрта, меваларни бошланганлиги аниқланди. Пишишнинг тугаши 5-сентябрь куни бошланиб, назоратга нисбатан 4 кун эрта бошлангани аниқланди. Баргларин тўкилиши 27-ноябрь куни бошланиб, назоратга нисбатан 3 кун кеч, тугаши аниқланди. Вегетация давомийлиги 257 кунни ташкил этди.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, Лето навида шакл берилмаган

назорат вариантыда вегетация бошланиши 18-февраль куни, бошлаб куртакларини ёзилиши 3-март куни, гуллашни бошланиши 21-март куни, ва гуллашни тугаши эса 29-март куни эканлиги. Ушбу навда меваларни пишиш бошланиши 11-июнь куни, пишиш даврини тугаши 10-июль кунларига тўғри келиши қайд этилди. Баргларнинг рангини ўзгариши 29-августда, Хазонрезгилик (баргларни тўкилиши) муддатлари 30-сентябрь ва тўкилишни тугаши эса 29-октябрда бўлиши кузатилди. Вегетация давомийлиги 254 куни ташкил этди.

Лето навига Ким Грин бутаси усулда шакл берилганда вегетациянинг бошланиши 23-февраль куни кузатилиб, назоратга нисбатан 5 кун кеч бошланди, куртакларини ёзилиши эса 6-март куни кузатилиб назоратга нисбатан 3 кун кеч бошланганлиги қайд этилди. Гуллаш даври 20-март куни бошланиб, назоратга нисбатан 1 кун эрта, гуллашни тугаши эса 28-март куни кузатилиб назоратга нисбатан 1 кун эрта бошлагани аниқланди. Меваларни пишиши 8-июнь куни бошланиб назоратга нисбатан 3 кун эрта, пишишнинг тугаши 9-июль куни кузатилиб, назоратга нисбатан 1 кун эрта бошланганлиги аниқланди. Баргларни тўкилиши 2-ноябрь куни кузатилиб, назоратга нисбатан 4 кун эрта тугаши аниқланди. Вегетация давомийлиги 254 кунни ташкил этди.

Тадқиқот натижаларига кўрсатадики, Олхўрининг Чернослив Самаркандский навига шакл берилмаган назорат вариантыда вегетация даврининг бошланиши 13-март куни кузатилган бўлса, куртакларини ёзилиши 21-март куни, гуллашни бошланиши 2-апрель, гуллашни тугаши эса 11-апрель куни кузатилди. Ушбу навда меваларни пишиш бошланиши 16-август куни кузатилган бўлса, пишиш даврини тугаши 15-сентябрь кунларига тўғри келди. Баргларнинг рангини ўзгариши эса 26-сентябрда бошланди, баргларни тўкилиши муддатлари 20-октябрь куни бошланди ва тўкилишни тугаши эса 27-ноябрда кузатилди. Вегетация даврининг давомийлиги 260 куни ташкил этди.

Олхўрининг Чернослив Самаркандский навига Ким Грин бутаси усулда шакл берилганда вегетация даврининг бошланиши 16-март куни кузатилиб, назоратга нисбатан 3 кун кеч бошланганлиги ва куртакларини ёзилиши эса 26-март куни бошланиб назоратга нисбатан 4 кун кеч бошланганлиги қайд этилди. Гуллаш даври 01-апрель куни бошланиб, назоратга нисбатан 1 кун эрта бошланди, гуллашни тугаши эса 10-апрелда бошланиб назоратга нисбатан 1 кун эрта бошлагани аниқланди. Меваларни пишиши 12-август куни бошланиб назоратга нисбатан 4 кун эрта, пишишнинг тугаши 14-сентябрь кунда бошланиб назоратга нисбатан 1 кун эрта бошланганлиги аниқланди. Баргларининг тўкилиши 29-ноябрь куни бошланиб, назоратга нисбатан 2 кун кеч тугаши аниқланди. Вегетация даврининг давомийлиги 259 кунни ташкил этди (1-жадвал).

Дарахтларга шакл бериш усулларига қараб уларни ўсиш кучи турлича бўлади. Кучли кесилган дарахтларнинг бир йиллик новдаларини ўсиши вегетация даври давомида жуда кучли ўсиши аниқланган. Тажрибаларда

турли усулларда шакл берилган олхўри навларининг бир йиллик новдаларини биометрик кўрсаткичлари ўсиш шароитидан келиб чиқиб ривожланди.

Вегетация даври охирига келиб турли усулларда шакл берилган олхўри навларининг тупларидаги шох-шаббаларда биометрик ўлчовлар олиб борилди.

Тажрибада олинган натижаларга кўра, уч йиллик олхўри навларига турли усулларда шакл берилганда вегетация даври охирида ҳосилни териб олингандан сўнг, биометрик ўлчовлари 18-сентябрда аниқланган. Олхўрининг Бертон нави шакл берилмаган назорат вариантыда шох-шабба диаметри ўлчови 1,65 м. дан, шох-шабба айланаси узунлиги 5,18 м. гача, ривожланган новдалар миқдори эса 12 донани ташкил этди. Шох-шаббанинг қалинлиги эса сийрак, шох-шаббанинг шакли эса ингичка пирамидасимонни ташкил этди.

1-жадвал

**Олхўри навларнинг фенологик фазаларининг ўтиш муддатлари ва шакл бериш усулларига вегетация давомийлиги боғлиқлиги (2021-2023 йй).**

Шакл бериш усуллари	Куртакларни бўртиши кун, ой	Куртакларни ёзилиши, кун, ой	Гуллаш, кун, ой		Пишиш, кун, ой		Барглarning рангини ўзгариш муддатлари, кун, ой	(Хазонрезгилик) кун, ой		Вегетация давомийлиги, кун
			бошла-ниши	тугаши	бошла-ниши	тугаши		бошла-ниши	тугаши	
<b>Олхўрининг Бертон нави</b>										
Шакл берилмаган-назорат	13/III	22/III	30/III	11/IV	12/VIII	09/IX	23/IX	19/X	24/XI	256
Косасимон	15/III	25/III	30/III	09/IV	11/VIII	07/IX	25/IX	18/X	26/XI	257
Австралия бутаси	15/III	24/III	31/III	09/IV	10/VIII	08/IX	26/IX	20/X	29/XI	260
Сийрак ярусли	14/III	23/III	29/III	10/IV	11/VIII	08/IX	26/IX	17/X	26/XI	258
Ким Грин бутаси	16/III	25/III	29/III	10/IV	09/VIII	05/IX	25/IX	16/X	27/XI	257
<b>Олхўрининг Лето нави</b>										
Шакл берилмаган-назорат	18/II	03/III	21/III	29/III	11/VI	10/VII	29/VIII	30/IX	29/X	254
Косасимон	23/II	05/III	19/III	27/III	09/VI	06/VII	02/IX	29/X	29/X	249
Австралия бутаси	22/II	06/III	19/III	28/III	09/VI	11/VII	30/VIII	30/IX	29/X	250
Сийрак ярусли	21/II	06/III	20/III	27/III	10/VI	11/VII	03/IX	02/X	29/X	251
Ким Грин бутаси	23/II	06/III	20/III	28/III	08/VI	09/VII	02/IX	30/IX	02/XI	254
<b>Олхўрининг Чернослив Самаркандский нави</b>										
Шакл берилмаган-назорат	13/III	21/III	02/IV	11/IV	16/VIII	15/IX	26/IX	20/X	27/XI	260
Косасимон	17/III	25/III	01/IV	09/IV	14/VIII	13/IX	28/IX	22/X	29/XI	258
Австралия бутаси	15/III	24/III	01/IV	11/IV	16/VIII	17/IX	27/IX	21/X	29/XI	260
Сийрак ярусли	15/III	23/III	31/III	11/IV	17/VIII	15/IX	28/IX	20/X	28/XI	259
Ким Грин бутаси	16/III	26/III	01/IV	10/IV	12/VIII	14/IX	26/IX	19/X	29/XI	259

Олхўрининг Бертон навига Ким Грин бутаси усулда шакл берилганда, шох-шабба диаметри 1,90 м. гача назоратга нисбатан 0,25 см. гача узун, шох-шабба айланаси узунлиги 5,97 м. дан назоратга нисбатан 0,79 см узун, ривожланган новдалар миқдори эса 18 донани ташкил қилиб назоратга нисбатан 6 дона новда кўплиги аниқланди. Шох-шаббаси қуюқ қалинлигиде бўлиб, кенг пирамидасимон шаклини ташкил этди.

Тадқиқот натижалар шуни кўрсатадики, Лето навига шакл берилмаган назорат вариантыда шох-шабба диаметри ўлчови 2,30 м. дан, шох-шабба айланаси узунлиги 7,22 м. гача, ривожланган новдалар миқдори эса 19 донани ташкил этди. Шох-шаббаси жуда қуюқ бўлиб, қалинлиги ясси, эгилган шаклини ташкил этди.

Лето навига Австралия бутаси усулда шакл берилганда, шох-шабба диаметри 1,98 м. гача назоратга нисбатан 0,32 см. гача қисқа, шох-шабба айланаси узунлиги 6,22 м. дан назоратга нисбатан 1 м. қисқа, ривожланган новдалар миқдори эса 15 донани ташкил қилиб назоратга нисбатан 4 дона новда камлиги аниқланди. Шох-шаббаси сийрак қалинликда бўлиб, юмалоқ шаклда ташкил этди.

2-жадвал

### Вегетация даври охирида турли усулда шакл берилган олхўри навлари дарахтларнинг биометрик кўрсаткичлари (2021-2023 йй).

Шакл бериш усуллари	Шох-шабба диаметри, м	Шох-шабба айланаси узунлиги, м	Ривожланган новдалар миқдори, дона	Шох-шаббанинг қалинлиги	Шох-шаббанинг шакли
<b>Олхўрининг Бертон нави</b>					
Шакл берилмаган-назорат	1,65	5,18	12	сийрак	ингичка пирамидасимон
Косасимон	1,84	5,78	14	сийрак	пирамидасимон
Австралия бутаси	1,75	5,50	16	қуюқ	кенг пирамидасимон
Сийрак ярусли	1,80	5,65	18	сийрак	ясси юмалоқ
Ким Грин бутаси	1,90	5,97	18	қуюқ	кенг пирамидасимон
<b>Олхўрининг Лето нави</b>					
Шакл берилмаган-назорат	2,30	7,22	19	жуда қуюқ	ясси, эгилган
Косасимон	1,90	5,97	13	сийрак	ингичка пирамидасимон
Австралия бутаси	1,98	6,22	15	сийрак	юмалоқ
Сийрак ярусли	2,04	6,41	16	сийрак	юмалоқ
Ким Грин бутаси	2,15	6,75	16	ўртача қуюқликда	кенг пирамидасимон
<b>Олхўрининг Чернослив Самаркандский нави</b>					
Шакл берилмаган-назорат	1,81	5,68	13	сийрак	тескари пирамидасимон
Косасимон	1,90	5,97	15	ўртача қуюқликда	пирамидасимон
Австралия бутаси	1,85	5,81	17	ўртача қуюқликда	пирамидасимон
Сийрак ярусли	1,78	5,59	17	ўртача қуюқликда	ясси юмалоқ
Ким Грин бутаси	1,96	6,15	17	ўртача қуюқликда	кенг пирамидасимон
ЭКФ05=	0,002	0,01			
ЭКФ%=	0,1	0,1			

Лето навига Ким Грин бутаси усулда шакл берилганда, шох-шабба диаметри 2,15 м. гача, назоратга нисбатан 0,15 см. гача қисқа, шох-шабба айланаси узунлиги 6,75 м. дан назоратга нисбатан 0,47 см. қисқа, ривожланган новдалар миқдори эса 16 донани ташкил қилиб назоратга нисбатан 3 дона новда камлиги аниқланди. Шох-шаббаси ўртача қуюқ бўлиб, қалинликда кенг пирамидасимон шаклини ташкил этди (2-жадвал).

Тадқиқот натижалари кўра, Чернослив Самаркандский навига шакл берилмаган назорат вариантыда шох-шабба диаметри ўлчови 1,81 м. дан, шох-шабба айланаси узунлиги 5,68 м гача, ривожланган новдалар миқдори эса 13 донани ташкил этди. Шох-шаббаси сийрак қалинликда тескари пирамидасимон шаклини ташкил этди.

Шох-шаббаси ўртача қуюқликда бўлиб, қалинликда, пирамидасимон шаклини ташкил этди. Чернослив Самаркандский навига Австралия бутаси усулда шакл берилганда шох-шабба диаметри 1,85 м. гача назоратга нисбатан 0,04 см. гача узун, шох-шабба айланаси узунлиги 5,81 м. дан назоратга нисбатан 0,13 см. узун, ривожланган новдалар миқдори эса 17 донани ташкил қилиб назоратга нисбатан 4 дона новда кўплиги аниқланди. Шох-шаббаси ўртача қалинликда бўлиб, перамидасимон шаклини ташкил этди.

Олхўриниг Чернослив Самаркандский навига Ким Грин бутаси усулда шакл берилганда шох-шабба диаметри 1,96 м. гача бўлиб, назоратга нисбатан 0,15 см. узун, шох-шабба айланаси узунлиги 6,15 м. назоратга нисбатан эса 0,53 см. қисқа, ривожланган новдалар миқдори эса 17 донани ташкил қилиб назоратга нисбатан 4 дона новда кўплиги аниқланди. Шох-шаббаси ўртача қалинликда, бўлиб, кенг пирамидасимон шаклини ташкил этди.

Диссертациянинг «**Олхўри мава сифати ва ҳосилдорлиги турли шакл бериш усуллари самарадорлигини илмий асослаш**» деб номланган тўртинчи бобидан бошлаб тажриба натижалари келтирилган. Ушбу бобида 2021–2023 йиллар давомида Турли хил шакл бериш усуллари охириги олхўри навлари меваларининг товарлилик сифатига таъсирини тавсифи келтирилган.

Тажриба натижаларига кўра, олхўри навларидан юқори ҳосил, сифатли маҳсулот олиш бўлганлиги сабабли, тадқиқотлар турли усулда шакл берилган олхўри навларининг меваси ҳосилдорлиги ва товар кўрсаткичларига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек меваларнинг ўлчами бўйича олхўрининг бир дона мевасининг оғирлиги аниқланди.

2021-2023 йиллар давомида олинган натижалари таҳлил қилинганда қуйидагилар аниқланди:

бертон навига шакл берилмаган назорат вариантыда бир дона мева оғирлиги 39,5 г ни, ташкил этди. Бертон навига Косасимон усулда шакл берилганда бир дона мева оғирлиги 55,2 г ни, назоратга нисбатан 15,7 г юқори эканлиги аниқланди. Бертон навига Австралия бутаси усулда шакл берилганда эса тажриба натижаларига кўра 58,1 г ни, назоратга нисбатан 18,6 г юқори эканлиги қайд этилди. Сийрак ярусли шакл бериш усулда мева оғирлиги 59,5 г ни, назоратга нисбатан 20 г кўплиги аниқланди. Бертон

навига Ким Грин бутаси усулда шакл берилганда бир дона мева оғирлиги эса 68,8 г ни, назоратга нисбатан 29,3 г га юқори эканлиги аниқланди.

Олхўрининг Лето навига шакл берилмаган назорат вариантда бир дона мева оғирлиги 28,2 г ни ташкил этди. Лето навига Косасимон усулда шакл берилганда эса бир дона мева оғирлиги ўртача 54,2 г ни, назоратга нисбатан 26 г юқори эканлиги аниқланди.

Лето навига Австралия бутаси усулда шакл берилганда эса тажриба натижаларига кўра 56,2 г ни назоратга нисбатан 28 г юқори эканлиги қайд этилди. Олинган натижаларга кўра, Сийрак ярусли шакл бериш усулда мева оғирлиги 58,2 г ни назоратга нисбатан 30 г кўплиги аниқланди. Ким Грин бутаси усулда шакл берилганда бир дона мева оғирлиги эса 67,7 г ни назоратга нисбатан 39,5 г юқори эканлиги аниқланди (3-жадвал).

Чернослив Самаркандский навига шакл берилмаган назорат вариантда бир дона мева оғирлиги ўртача 37,1 г ни ташкил этди, Косасимон усулда шакл берилганда эса бир дона мева оғирлиги ўртачаси 53,4 г ни, назоратга нисбатан 16,3 г юқори эканлиги аниқланди. Чернослив Самаркандский навига Австралия бутаси усулда шакл берилганда эса тажриба натижаларига кўра меваларининг оғирлиги 57,5 г ни, назоратга нисбатан 20,4 г юқори бўлганлиги аниқланди ва Сийрак ярусли шакл бериш усулда меваларининг оғирлиги 56,2 г ни назоратга нисбатан 19,1 г кўплиги аниқланди. Ким Грин бутаси усулда шакл берилганда бир дона мева оғирлиги эса 64,5 г назоратга нисбатан 27,4 г юқори эканлиги аниқланди.

3-жадвал

### Шакл бериш усуллари олхўри новларнинг мевасининг оғирлигига таъсири (2021-2023 йй).

Шакл бериш усуллари	Бир дона мева оғирлиги, г			
	2021	2022	2023	ўртача уч йиллик
<b>Олхўрининг Бергон нави</b>				
Шакл берилмаган-назорат	38,9	39,3	40,3	39,5
Косасимон	54,3	55,0	56,3	55,2
Австралия бутаси	57,2	57,9	59,3	58,1
Сийрак ярусли	58,5	59,3	60,7	59,5
Ким Грин бутаси	67,7	68,5	70,2	68,8
<b>Олхўрининг Лето нави</b>				
Шакл берилмаган-назорат	27,7	28,1	28,8	28,2
Косасимон	53,3	54,0	55,3	54,2
Австралия бутаси	55,3	56,0	57,3	56,2
Сийрак ярусли	57,3	58,0	59,4	58,2
Ким Грин бутаси	66,6	67,4	69,1	67,7
<b>Олхўрининг Чернослив Самаркандский нави</b>				
Шакл берилмаган-назорат	36,5	37,0	37,8	37,1
Косасимон	52,5	53,2	54,5	53,4
Австралия бутаси	56,6	57,3	58,7	57,5
Сийрак ярусли	55,3	56,0	57,3	56,2
Ким Грин бутаси	63,5	64,2	65,8	64,5
ЭКФ05=				0,2
ЭКФ%=				0,3

Олхўри навларига турли усулларда шакл берилганда дарахтдан умумий ҳосилдорлик, мевалар сони, мевани ўртача оғирликларини ҳисоблаб бир

гектар майдондан олинган ҳосилдорлик тажриба натижаларига кўра қиёсий таҳлил қилинди. Олхўри навларига шакл берилганда юқори ҳосил олинган шакл усулларини, назоратга нисбатан юқори ва сифатли ҳосил олиш мумкинлиги аниқланди.

Шакл бериш усулларини олхўри навларининг маҳсулдорлигига таъсири аниқланиб қуйдаги натижалар аниқлади: бертон навига шакл берилмаган назорат вариантда 100 дона мева оғирлиги 4,12 кг ни, 1 кг дага мевалар сони 25 донани, 1 дарахтдаги ҳосил эса 21,2 кг ни ташкил қилди. Ҳосил, 17,7 т гача олинганлиги аниқланди.

Лето навига шакл берилмаган назорат вариантда 100 дона меванинг вазни 2,95 кг ни, мевалар сони 33 донани, дарахтдаги ҳосил эса 20,4 кг ни ташкил қилди. Бир гектар майдондан 17 т ҳосил, олинганлиги аниқланди.

Чернослив Самаркандский навининг шакл берилмаган назорат вариантда 100 дона меванинг вазни 3,85 кг ни, мевалар сони 26 донани, дарахтдаги ҳосил эса 23,9 кг ташкил қилди. Бир гектар майдондан 19,9 т ҳосил олинганлиги аниқланди.

Бертон навига Ким Грин бутаси усулда шакл берилганда 100 дон мева оғирлиги 6,98 кг ни, назоратга нисбатан 2,86 кг кўплиги аниқланди 1 кг да мевалар сони 13 донани, назоратга нисбатан 12 та камлиги аниқланди. Дарахтдаги ҳосил 28,9 кг ни аниқланиб назоратга нисбатан 7,7 кг кўплиги аниқланди. Бир гектар майдондаги ҳосил 24,1 т ни, назоратга нисбатан 6,4 т кўплиги аниқланди (4-жадвал).

4-жадвал

**Шакл бериш усулларини олхўри навларнинг ҳосилдорлигига таъсири экиш схемаси 4x3 м (2021-2023 йй).**

Шакл бериш усуллари	100 дон мева оғирлиги, кг	1 кг да мевалар сони, дона	1 тупдаги ҳосил, кг	1 га майдондаги ҳосил, тонна
1	2	3	4	5
<b>Олхўрининг Бертон нави</b>				
Шакл берилмаган-назорат	4,12	25	21,2	17,7
Косасимон	5,60	16	25,3	21,1
Австралия бутаси	5,90	19	26,5	22,1
Сийрак ярусли	5,72	17	27,5	22,9
Ким Грин бутаси	6,98	13	28,9	24,1
<b>Олхўрининг Лето нави</b>				
Шакл берилмаган-назорат	2,95	33	20,4	17,0
Косасимон	5,70	17	26,2	21,8
Австралия бутаси	5,75	17	25,9	21,6
Сийрак ярусли	5,86	18	26,3	21,9
Ким Грин бутаси	6,81	15	29,6	24,7
<b>Олхўрининг Чернослив Самаркандский нави</b>				
Шакл берилмаган-назорат	3,85	26	23,9	19,9
Косасимон	5,44	18	24,3	20,2
Австралия бутаси	5,55	18	24,3	20,2
Сийрак ярусли	5,45	19	26,9	22,4
Ким Грин бутаси	6,78	15	27,9	23,2
ЭКФ05			0,04	
ЭКФ%			0,1	

Лето навига Ким Грин бутаси усулда шакл берилганда 100 дона меваси оғирлиги 6,81 кг ни, назоратга нисбатан 3,86 кг кўплиги аниқланди. 1 кг да мевалар сони 15 донани, назоратга нисбатан 18 дона камлиги аниқланди. Дарахтдаги ҳосил 29,6 кг ни назоратга нисбатан 9,2 кг кўплиги аниқланди. Бир гектар майдондаги ҳосил 24,7 т ни, назоратга нисбатан 7,7 т кўплиги аниқланди.

Чернослив Самаркандский навига Ким Грин бутаси усулда шакл берилганда 100 дона меваси оғирлиги 6,78 кг ни, назоратга нисбатан 2,93 кг кўплиги аниқланди 1 кг да мевалар сони 15 донани, назоратга нисбатан 11 дона камлиги аниқланди. Дарахтдаги ҳосил 27,9 кг ни назоратга нисбатан 4,0 кг кўплиги аниқланди. Бир гектар майдондаги ҳосил 23,2 т ни, назоратга нисбатан 3,3 т кўплиги аниқланди.

Олхўри навларига турли усулларда шакл беришда ҳосилдорликка таъсирини ўрганиш натижасида ҳосилдорлик юқорилиги билан ажралиб чиққан вариантларнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагича тахлил қилинди.

2021-2023 йиллар давомида олхўри навларига шакл берилганда олинган ҳосилнинг 1 кг. сотиш нархи 4000 сўмни ташкил қилди. Олхўри навларни етиштиришда турли усулларда шакл беришда барча харажатлар танлаб олинган учта олхўри навлари мисолида вариантлар кесимида технологик харитада кўрсатиб ўтилган.

Тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики олхўрининг бертон навига шакл берилмаган назорат навида ўртача уч йиллик ўртача ҳосилдорлик 176,6 ц/га ни, ялпи маҳсулот қиймати 52980 минг сўмни, ишлаб чиқариш харажатлари 29730,9 минг сўмни, соф фойда эса 23249,1 минг сўмни ташкил қилди. Олхўри навларининг 1 ц. маҳсулот таннархи 168,4 минг сўмни, рентабеллик даражаси 78,2% ни ташкил этди. Юқори кўрсаткич, Бертон навига Ким Грин бутаси усулда шакл берилганда 240,7 ц/га ни, ялпи маҳсулот қиймати 91466 минг сўмни, ишлаб чиқариш харажатлари 31910,2 минг сўмни, соф фойда эса 59555,8 минг сўмни ташкил этди.

Танлаб олинган Олхўри навларининг 1 ц. маҳсулот таннархи 132,6 минг сўмни, рентабеллик даражаси 186,6% ни ташкил этиб назоратга нисбатан (+) 108,4 юқори бўлганлиги аниқланди.

Энг юқори кўрсаткич, Лето навига шакл берилмаган ваиантда ҳосилдорлик 169,9 ц/га ни, ялпи маҳсулот қиймати 42475 минг сўмни ташкил қилди. Ишлаб чиқариш харажатлари 29491,4 минг сўмни, соф фойда эса 12983,6 минг сўмни ташкил этди. Танлаб олинган олхўри навларининг 1 центнер маҳсулот таннархи 173,6 минг сўмни ташкил қилиб, рентабеллик даражаси 44 % ни ташкил этди. Энг юқори кўрсаткич Лето навига Ким Грин бутаси усулда шакл берилганда ҳосилдорлик 246,6 ц/га ни, ялпи маҳсулот қиймати 98640 минг сўмни, ишлаб чиқариш харажатлари 32112 минг сўмни, соф фойда эса 66528 минг сўмни ташкил этди. Танлаб олинган олхўри навларининг 1 центнер маҳсулот таннархи 130,2 минг сўмни, рентабеллик

даражаси 207,2 % ни ташкил этиб, назоратга нисбатан фарқи (+) 163,1 ташкил этди (5-жадвал).

5-жадвал

**Олхўри навларига турли усулларда шакл беришда ҳосилдорликнинг иқтисодий самарадорлиги (2022-2023 йй).**

Шакл бериш усуллари	Ҳосилдорлик, ц/га	Ялпи маҳсулот қиймати, минг сум	Ишлаб чиқариш харажатлари, минг сум	Соф фойда, минг сум	1 ц маҳсулот таннархи, минг сум	Рентабеллик, %	Назоратга нисбатан фарқи (+)
<b>Олхўрининг Бергон нави</b>							
Шакл берилмаган-назорат	176,6	52980,0	29730,9	23249,1	168,4	78,2	
Косасимон	210,7	73745,0	30883,9	42861,1	146,6	138,8	+60,6
Австралия бутаси	220,7	83866,0	31226,0	52640,0	141,5	168,6	+90,4
Сийрак ярусли	229,1	80185,0	31513,4	48671,7	137,6	154,4	+76,2
Ким Грин бутаси	240,7	91466,0	31910,2	59555,8	132,6	186,6	+108,4
<b>Олхўрининг Лето нави</b>							
Шакл берилмаган-назорат	169,9	42475,0	29491,4	12983,6	173,6	44,0	
Косасимон	218,2	76370,0	31140,5	45229,6	142,7	145,2	+101,2
Австралия бутаси	215,7	86280,0	31054,9	55225,1	144,0	177,8	+133,8
Сийрак ярусли	219,1	76685,0	31171,3	45513,8	142,3	146,0	+102
Ким Грин бутаси	246,6	98640,0	32112,0	66528,0	130,2	207,2	+163,1
<b>Олхўрининг Чернослив Самаркандский нави</b>							
Шакл берилмаган-назорат	199,1	59730,0	30483,6	29246,4	153,1	95,9	
Косасимон	202,4	70840,0	30599,9	40240,1	151,2	131,5	+35,6
Австралия бутаси	202,4	80960,0	30599,9	50360,1	151,2	164,6	+68,6
Сийрак ярусли	224,1	78435,0	31342,3	47092,7	139,9	150,3	+54,3
Ким Грин бутаси	232,4	92960,0	31626,2	61333,8	136,1	193,9	+98

Кейинги ўринларда эса юқори иқтисодий самарадорлик, Чернослив Самаркандский шакл берилмаган ҳосилдорлик 199,1 ц/га ни, ялпи маҳсулот қиймати 59730 минг сўмни, ишлаб чиқариш харажатлари 30483,6 минг сўмни ва соф фойда эса 29246,1 минг сўмни ташкил этди. Танлаб олинган олхўри навларининг 1 центнер маҳсулот таннархи 153,1 минг сўмни, рентабеллик даражаси 95,9% ни ташкил этганли аниқланди. Чернослив Самаркандский навига Ким Грин бутаси усулда шакл берилганда ҳосилдорлик 232,4 ц/га.ни ташкил қилиб, ялпи маҳсулот қиймати 92960 минг сўмни ташкил қилди. Ишлаб чиқариш харажатлари 31626,6 минг сўмни, соф фойда эса 61333,8 минг сўмни ташкил этди. Танлаб олинган олхўри навларининг 1 ц. маҳсулот таннархи 136,1 минг сўмни ташкил қилиб, рентабеллик даражаси 193,9 % ни ташкил этиб, назоратга нисбатан фарқи (+) 98,0 ташкил этди.

**ХУЛОСАЛАР**

1. Олхўри навларида турли усулларда шакл берилганда вегетация даврида куртакларининг ёзилиши назорат вариантда эрта бошланди. Сийрак ярусли усулда шакл берилганда эса қолган усулларга нисбатан эртароқ

бошланди. Мевасининг пишишни бошланиши эса назоратга нисатан 2-4 кун эрта бошлангани қайд этилди.

2. Олхўри навларига турли усулларда шакл беришда, Ким Грин бутаси усулда, шох-шабба диаметри 1,90-2,15 м. ни, шох-шабба айланасини кенглиги эса 6,15-6,75 м. гача, кенг пирамидасимон интенсив шаклга эга бўлгани аниқланди.

3. Олхўри навларининг иссиққа чидамлилиги июнь, июль, август ойларида лаборатория шароитида ўрганилиганда. Ким Грин бутаси усулида Чернослив Самаркандский навида баргларининг иссиқдан шикастланиши +50<sup>0</sup>С гача ҳароратда 20,5 % да баргларнинг иссиқдан кам зарарланиши аниқланди.

4. Олхўрининг Ким Грин бутаси усулда шакл берилганда, Бертон ва Чернослив Самаркандский навларида ҳосилдорлик териб олингандан сўнг, бир йиллик новдаларнинг энг юқори биометрик кўрсаткилари 163-166 см. гача ўсганлиги аниқланди.

5. Олхўри навларида Ким Грин бутаси усулда шакл берилганда бир дона меванинг оғирлиги, Бертон ва Лето навларида 67,7-68,8 г гача, меваси энг юқори бўлганлиги билан ажралиб чиқди.

6. Олхўрининг Бертон, Лето ва Чернослив Самаркандский навларига Австралия бутаси ва Сийрак ярусли шакл берилганда 220,7-229,1 ц/га ҳосил олиниб, Ким Грин бутаси усулида шакл берилганда эса 240,7-246,6 ц/га. энг юқори ҳосилдорлика эришилди.

7. Олхўрининг Чернослив Самаркандский навида Ким Грин бутаси усулида шакл берилганда меванинг қандлилиги энг юқори кўрсаткич 19,8% ни, куриқ модда эса 19,1% билан ажралиб чиқди.

8. Олхўри навларига турли усулларда шакл берилганда иқтисодий самарадорликги Лето навида Ким Грин бутаси шакл берилганда энг юқори ҳосилдорлик, 246,6 ц/га ни ялпи маҳсулот киймати 98640,0 минг, ишлаб чиқариш харажатлари 32112,0 минг сўм соф фойда 66528,0 минг сум, 1 ц маҳсулот таннари, 130,2 минг сўм рентабеллик даражаси 207,2% ни ташкил қилди.

Олхўри навларидан боғ барпо қилувчи деҳқон ва томорқа хўжалиқларига:

- республикамизнинг кескин континентал текислик ва адир худудларида мева сифат кўрсаткичлари ҳамда ҳосилдорлиги юқори бўлган олхўрининг Бертон ва Чернослив Самаркандский навларини экиш;

- Олхўри навларининг мева сифати, ташқи кўриниши ҳамда ҳосилдорлигини ошириш учун Ким Грин бутаси ҳамда Австралия бутаси усулларида шакл бериш тавсияэтаман.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 ПО ИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**АНДИЖАНСКИЙ ИНСТИТУТ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА И  
АГРОТЕХНОЛОГИЙ**

**СУЛТОНОВ ХУМОЮН МАҲМУДЖОН УГЛИ**

**ВЛИЯНИЕ СПОСОБОВ ФОРМИРОВКИ СОРТОВ СЛИВЫ НА  
КАЧЕСТВО И УРОЖАЙНОСТЬ ПЛОДОВ (НА ПРИМЕРЕ  
АНДИЖАНСКОЙ ОБЛАСТИ)**

**06.01.07 – Плодоводство и виноградарство**

**АВТОРЕФЕРАТ**

**диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам  
Ташкент – 2024**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии Республики Узбекистан за номером B2022.4.PhD/Qx1021.

Диссертация выполнена в Анджуванском институте сельского хозяйства и агротехнологий.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.tdau.uz](http://www.tdau.uz)) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

Научный руководитель:	<b>Исламов Сохиб Яхшибекевич</b> доктор сельскохозяйственных наук, профессор.
Официальные оппоненты:	<b>Файзиев Жамолiddин Носирович</b> доктор сельскохозяйственных наук, профессор <b>Шоумаров Хикмат Бахромович</b> кандидат сельскохозяйственных наук, профессор
Ведущая организация:	<b>Термезский государственный университет инженерии и агротехнологий</b>

Защита диссертации состоится на заседании Ученого совета за номером DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 в Ташкентском государственном аграрном университете 25 ноября 2024 года в 10:00. (Адрес: 100140, г.Ташкент, ул.Университет, 2. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz) Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1 этаж, конференц-зал).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрированный под номером 551941) (Адрес: 100140, г. Ташкент, улица Университетская, 2-й корпус, Ташкентский государственный аграрный университет, здание информационно-ресурсного центра. Тел.: (+99871)260-50-43).

Автореферат диссертации роздан 11 ноября 2024 года.

(Регистрационный отчет № 37 от 26 октября 2024 г.).



**Ш.И.Асатов**  
Председатель Научного совета  
по присуждению учёных  
степеней, д.с.х.н., профессор

**М.З.Хольмуратов**  
Ученый секретарь Научного  
совета по присуждению учёных  
степеней, д.ф.с.х.н., доцент

**С.А.Юнусов**  
Председатель научного семинара  
при научном совете по  
присуждению учёных степеней,  
д.с.х.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (доктор философии (PhD) аннотация к диссертации)**

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** На сегодняшний день объем производства слив составляет 13 млн тонн, и это одно из ведущих косточковых культур, выращиваемых почти в 90 странах. По производству слив «Китайская Народная Республика занимает первое место в мире с 7 млн тонн, за ней следует Румыния с 807 тыс. тонн, Чили с 427 тыс. тонн, а Республика Узбекистан с 143 тыс. тонн занимает 13-е место в мире»<sup>1</sup>. Во всем мире показатели объема выращивания сливы выше, чем у других плодовых культур. В связи с этим слива является одним из плодовых деревьев, способных хорошо адаптироваться во всех регионах Узбекистана.

В странах, лидирующих в выращивании слив, таких как Китай, Румыния, Сербия, США, Турция, Чили, Иран, Индия, Испания, Италия и Франция, высоко ценятся питательные и целебные свойства этой культуры. Свежие сливы — сочные и сладкие, обладающие возможностями для переработки. В этих странах ведутся обширные научные исследования по созданию новых, засухоустойчивых сортов, с улучшенными методами их интродукции, технологий выращивания, обрезки и формирования кроны деревьев.

